



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI

### «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 16 майда  
қабул қилинган  
Сенат томонидан 2023 йил 5 августда  
маъқулланган

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, шунингдек биохилмаҳилликни сақлаш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёввойи хайвонларнинг табиий зотга оид турларининг, айниқса, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларининг барқарор яшаш шароитларини таъминлаш ҳамда сақлаб қолиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга йиртқич ва заҳарли ёввойи хайвонларни ярим эркин шароитларда ёки тутқунликда сақлаш, улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш, уларни жамоат жойларида сайр қилдиришнинг турли ходисаларга олиб келиши ҳоллари учраётганлиги аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан ёввойи хайвонларни сақлашни тартибга солиш мақсадида «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда жисмоний шахслар томонидан сақланиши тақиқланган ёввойи хайвонларнинг рўйхатини, шунингдек мазкур рўйхатга киритилган ёввойи хайвонларни юридик шахслар томонидан сақлаш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклатилмоқда.

Ушбу Қонун ёввойи хайвонларни сақлаш ҳамда улардан турли мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолларда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга, шунингдек ваколатли давлат органининг ушбу йўналишдаги жавобгарлигини оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 545–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг

2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 7, 447-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда) **43-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахслар томонидан ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланиши тақиқланган ёввойи ҳайвонларнинг рўйхати, шунингдек мазкур рўйхатга киритилган ёввойи ҳайвонларни юридик шахслар томонидан сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

**бешинчи қисм олтинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 7 сентябрь  
№ ЎРҚ–867